

А Ж Р И М

2019 йил август ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман суди, Когон туман “Б.Нақшбанд” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр суд мажлисида Ш.Ч.Қувватовнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Мухамедовнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Когон туман прокурори ёрдамчиси Ш.Мавлоновнинг иштирокида

1975 йил 26 июл Когон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган, оилали бир нафар фарзанди бор, Когон туман “Санжар дон” МЧЖда ишчи бўлиб ишловчи, Когон тумани “Б.Нақшбанд” маҳалла фуқаролар йиғини “Киракашхона” қишлоғида яшовчи, эҳтиёт чораси танланмаган, ярашув тўғрисидаги қарор нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан тўпланган 1-2009-1901/33-сонли жиноят ишини кўриб, гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, давлат айбловчисининг фикрини эшитиб, ишда мавжуд ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Гумонланувчи Ҳамроев Ўткир Ботирович 2019 йил 29 май кунига ўтар кечаси, тунги соат 00.30 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолда ўзининг яшаш уйида у билан бир уйда қонуний никоҳсиз яшаб келаётган турмуш ўртоғи Авезова Марифат Алиевна билан ўзаро оилавий келишмовчиликлари натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида турмуш ўртоғи М.Авезовани юз қисми ва бош қисмига 5,5x4 см. катталиқдаги осма темир қулф билан уриб, унга соғлиғининг қисқа муддатга, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Судда сўроқ қилинган гумонланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 29 май куни у спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини ва тунги соат 00.30 ларда маст ҳолда ўзининг яшаш уйида никоҳсиз турмуш ўртоғи Авезова Марифат Алиевна билан ўзаро оилавий келишмовчиликлари натижасида жанжаллашиб қолганлигини ва жанжал вақтида турмуш ўртоғини юз қисми ва бош қисмига осма темир қулф билан урганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчи, яъни никоҳсиз турмуш ўртоғи М.Авезова билан ихтиёрий ярашганликларини, унга етказилган моддий ва

маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб, кечирим сўраб, керакли бўлган дори-дармонларини олиб берганлигини, улар ҳозирда бирга яшаб келаётганликларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасини қўллаб, унга нисбатан жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб, ўзининг бу ҳақдаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи М.Авезова ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 29 май куни кеч соат 00:30 ларда қонуний никоҳсиз турмуш ўртоғи Ў.Ҳамроев спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда у билан ўзаро оилавий келишмовчиликлари натижасида жанжаллашганлигини ва жанжал вақтида унинг юз қисми ва бош қисмига осма темир қулф билан урганлигини, ҳозирги кунда [REDACTED] билан ихтиёрий ярашганликларини, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб, кечирим сўраб, керакли бўлган дори-дармонларини олиб берганлигини, улар ҳозирда бирга яшаб келаётганликларини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, гумонланувчи [REDACTED] нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасини қўллаб, жиноят ишини ярашганликлари сабабли ҳаракатдан тугатишни сўраб, ўзининг бу ҳақдаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасида, ушбу кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, суд, гумонланувчи ва жабрланувчининг жиноят ҳолатлари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризалари бўйича сўзларини, давлат айбловчисининг томонларнинг аризаларини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб, [REDACTED] айбига иқрорлиги, жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, вақтинчалик сақлаш учун Когон туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасига топширилган бир дона осма темир қулфни ажрим қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 24, 585-586-моддаларини раҳбарликка олиб, суд ажрим қилади

А Ж Р И М

[REDACTED]
нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган 1-2009-1901/33-сонли жиноят иши Жиноят

Кодекси 66¹-моддасига асосан, томонларнинг ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин ва гумонланувчи Ў.Ҳамроев жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган бир дона осма темир кулф ажрим қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ажримдан норози томон ушбу суд орқали 10 кун муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Ш.Ч.Қувватов